

Зийнат қориларимизга АҚШдан эътироф



10:00 / 06.04.2023 1391

Рамазон ойи муносабати билан айна дамда бир қатор устозлар ва хофизи Қуръонлар Канада ва Америка Қўшма Штатларида бўлиб туришибди.

Уламолар АҚШ ва Канададаги Рамазон тадбирларида иштирок этиб, ватандошларимизга Рамазон ойининг фазилати ҳамда Ҳайит байрамнинг шукуҳига шукуҳ қўшадиган мавзуларда маърифий суҳбатлар, савол-жавоблар ташкил этишмоқда.

АҚШнинг Флорида штати Орlando шаҳридаги «Ал Бухорий Ислom Маркази»да юртимизнинг кўзга кўринган зийнат қориларидан, Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислom институти қироат фани устози Аҳмадхон қори Рашидов ҳамда Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ходими Ихтиёр қори Абдурахмоновлар хатми Қуръонга ўтиб бермоқдалар. Қориларимиз у ердаги шукуҳли онлар, илиқ таассуротлар ҳақида ўзларининг ижтимоий саҳифаларида сизу бизга тақдим этиб келмоқдалар. Қуйида Ихтиёр қори Абдурахмоновнинг илиқ таассуротлари ҳақидаги маълумотларни сиз азизларга тақдим этамиз:

«Биз хатм ўқиётган масжидда ўзбеклардан бошқа миллат вакиллари, хусусан, араб давлатларидан келган мусулмонлар ҳам иштирок этади. Биз улар билан араб тилида гаплашиб, Ўзбекистондан эканимизни айтсак, биринчи саволи: «Араб тилини қаерда ўргангансиз? Бирор араб давлатида

Ўқиганмисиз?» бўлади.

Унга ҳеч қандай араб давлатида таълим олмаганимизни, балки юртимиздаги таълим муассасаларида ўқиганимизни айтсак, хурсанд бўлади.

Яқинда асли саудиялик, шу ердаги имом билан учрашдик. У Ўзбекистондаги диний таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар ва китоблар ҳақида сўради. Уларни эшитгач, маша Аллоҳ, сизларда анча яхши ўқитар экан, деб эътироф қилди.

Расмдаги инсон ҳам 16 ёшда Қуръони Каримни тўлиқ ёд олган ва ўн хил қироатдан ижозага эга ҳофизлардан экан. Аҳмадхон қори акам ва каминанинг тиловатини эшитиб жуда илиқ фикрлар билдирди. Бошқа миллат вакиллари Ал-Бухорий маркази раҳбари Илёсхон домлани жуда ҳурмат қилишар экан. У киши бошчилигида бир қанча хайрли ишлар амалга оширилмоқда экан. Аллоҳ зиёда қилсин».

Уламоларимизнинг бу ташрифлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, ҳамда Канада ва АҚШдаги ватандошлар тарафидан ташкил этилди.

Аллоҳ таоло бу каби хайрли ишларни бардавом қилсин, Рамазон ойи барчамизнинг дунё ва охиратимиз учун манфаатли бўлишини насиб этсин!

Эслатма: Устозлар иштирок этадиган тадбирларнинг вақти ва манзиллари ҳақида Орландо шаҳридаги «Ал-Бухорий Ислом маркази»нинг ижтимоий тармоқларидаги расмий саҳифаларида танишиб боришингиз мумкин.